

УЎТ: 332.33

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР ТАҲЛИЛИ

*Р.А.Тураев - “Ўздаверлойиҳа”**ДИЛИ Бош директори, техника фанлари доктори, профессор.**Email: uzdavyerloyiha@umail.uz**С.З.Сафоев - “Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ қ.х.ф.ф.д, (PhD)**Email: safayev77@mail.ru**Р.Н.Шаропов - “Ўздаверлойиҳа” ДИЛИ Методология бўлими мутахассиси, қ.х.ф.ф.д, (PhD).**Email: ramziddin.sharopov@mail.ru*

Аннотация: Ушбу мақолад қишлоқ хўжалиги ерлари таҳлили, ер фондининг асосий ер турлари бўйича 30 йиллик тақсимланиш динамикаси, қишлоқ хўжалиги ерларининг жами майдонига нисбатан ер турларининг тақсимланиши бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари келтирилган.

Калит сўзлар: чекланган ер ресурслари, озиқ-овқат хавфсизлиги, суғориладиган ерлар, антропоген омиллар, ер мониторинги, экин ерлар, чора-тадбирлар.

Глобал иқлим шароитида озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун чекланган ер ресурсларининг самарадорлигини ошириш истиқболда экстенсив эмас, балки интенсив йўлни қўллаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларидан интенсив фойдаланишни ташкил этишга инвестиция киритиш, ерлар унумдорлигини сақлаш ва ошириш, умуман ерларнинг ресурс сифатидаги хусусиятларини яхшилаш имкониятларини яратадиган тизимни шакллантириш долзарб масалага айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 28-январдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4575-сон Қарори бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Республика иқтисодиёти ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда экин ерлари, ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан, энг қимматли ерлар ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг 3 988,5 минг га (19,7%) ташкил этади. Суғориладиган экин ерларнинг майдони 3 238,8 минг га (Республика бўйича фойдаланишдаги жами ерларга нисбатан 7,2%, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга нисбатан 15,6 % ташкил этади), лалмикор экин ерларнинг


майдони 759,7 минг га. Дарахтзорларнинг майдони 388,7 минг га (суғориладигани 370,6 минг га) ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш концепциясида озиқ-овқат хавфсизлиги энг асосий таркибий қисмлардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги шароитида аҳоли сонининг ортиб бориши сабаб, аҳолининг озиқ овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришда қишлоқ хўжалик ерлари муҳим манба ҳисобланади. Афсуски, сўнгги йилларда табиий ва антропоген омиллар таъсирида маҳсулдорликнинг пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Шу боисдан, республика ҳудудида қишлоқ хўжалик ерлари майдонини кенгайтириш ва деградацияга учраган майдонларда қайта тиклаш, мелиоратив ҳолатлари ёмонлашган ерлар самарадорлигини ошириш ишларини олиб бориш юзасидан уларнинг мунтазам равишда мониторингини юритиш ҳозирги даврдаги энг долзарб масалалардан бирига айланган.

Ер мониторингини ташкил этиш ва ўтказиш тамойиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тизимли тартиблар ва кўрсатмалар асосида белгиланган ҳамда технология ва услубий тавсиялар ишлаб чиқилган, шунингдек уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда.


Ўзбекистон Республикаси ер кодексининг 6-боб 43-моддасига кўра қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга қишлоқ хўжалигини юритиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги ерлари ва дарахтзорлар, ички хўжалик йўллари, коммуникациялар, ўрмонлар, ёпиқ сув ҳавзалари, бинолар, иморатлар ва иншоотлар эгаллаган ерларга, ҳайдаладиган ерлар, бўз ерлар, пичанзорлар, яйловлар, ташландиқ ерлар, боғлар, токзорлар, тутзорлар, теракзорлар, мевали дарахт кўчатзорлари ва бошқалар эгаллаган ерлар киради.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг жами майдонига нисбатан экин ерлар майдони 25% (4033,5 минг га), дарахтзорлар майдони 2% (403,8 минг га), бўз ерлар майдони 1% (83,7 минг га), пичанзор ва яйловларнинг майдони 72% (2118 минг гектар)ни ташкил этади.




1-расм. Қишлоқ хўжалиги ерларининг жами майдонига нисбатан ер турларининг тақсимланиши

2020 й январь ҳолатига республиканинг жами экин ерларининг майдони вилоятлар кесимида тақсимланиши 2-расмда кўрсатилган.



2-расм. Республика вилоятлари жами экин ерлари майдони

2020 й январь ҳолатига республикада жами экин ерларининг суғориладиган майдонлари вилоятлар кесимида қуйидагича тақсимланган (3-расм).



3-расм. Республика вилоятлари жами экин ерларининг суғориладиган майдонлари

1-жадвал

Ер фондининг асосий ер турлари бўйича тақсимланиш динамикаси*, МИНГ Га.

Ер турлари		01.01.1990 й. ҳолатига	01.01.2000 й. ҳолатига	01.01.2019 й. ҳолатига	01.01.2020 й. ҳолатига	01.01.2019 й. 01.01.2020 й. фарқи +,-	01.01.1990 й. 01.01.2020 й. фарқи +,-
1.	Экин ерлар	4176,5	4056,6	4019,8	4033,5	+13,7	-143,0
	шу жумладан, суғориладиган	3407,3	3313,6	3262,2	3259,9	-2,3	-147,4
2.	Дарахтзорлар	366,8	352,9	398,0	403,8	+5,8	+37
	шу жумладан, суғориладиган	354,5	339,7	376,3	380,5	+4,2	+26
3.	Бўз ерлар	62,1	80,7	80,7	83,7	+3,0	+21,6
	шу жумладан, суғориладиган	25,9	46,5	47,7	48,7	+1,0	+22,8
4.	Пичанзор ва яйловлар	23475,0	22263,4	21102,5	21118,0	+15,5	-2357

	шу жумладан, суғориладиган	37,0	44,1	43,0	42,9	-0,1	+5,9
5.	Қишлоқ хўжалик ер турлари жами	28080,4	26753,6	25601,0	25639,0	+38,0	-2441,4
	шу жумладан, суғориладиган	3824,7	3743,9	3729,2	3732,0	+2,8	-92,7
6.	Томорка ерлар	437,9	642,9	697,4	726,0	+21,3	+288,1
	шу жумладан, суғориладиган	355,6	481,9	516,6	537,9	+21,3	+182,3
7.	Ўрмонзорлар ва бутазорлар	1410,0	1511,9	3595,2	3588,9	-6,3	+2178,9
	шу жумладан, суғориладиган	31,3	44,6	54,4	52,9	-1,5	+21,6
8.	Боғдорчилик ва сабзавотчилик уюшамаларининг ерлари	13,4	8,5	7,3	7,2	-0,1	-6,2
	шу жумладан, суғориладиган	9,9	7,2	6,4	6,2	-0,2	-3,7
9.	Мелиоратив курилиш ҳолатидаги ерлар	103,7	79,3	71,9	68,9	-3,0	-34,8
10.	Бошқа ерлар	15539,6	15414,1	14919,6	14862,4	-57,2	-677,2
	Жами ерлар	45585,0	44410,3	44892,4	44892,4	-	-692,6
	шу жумладан, суғориладиган	4221,8	4277,6	4306,6	4329,0	+22,4	+107,2

*Эслатма: Давергеодезкадастр кўмитаси маълумотлари, 1990-2020 йй.

Хулоса. Инсоният тараққиётининг барча босқичларида қишлоқ хўжалик экин ерлари бутун дунё бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган асосий ресурс ҳисобланади. Шу сабабли, қишлоқ хўжалиги ерларини мониторинг қилиш натижасида ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишни инобатга олган ҳолда давлатнинг асосий иқтисодий, ижтимоий ва экологик муносабатларига тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тартибга солиниши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. 1998 йил 30 апрель. - 74 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 28-январдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-

2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4575-сон Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Миллий ҳисоботи. - Тошкент, Давергеодезкадастр қўмитаси, 2020. - 102 б.
 4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги «Давлат ер кадастрини юритиш тўғрисида»ги 543-сон қарори.
 5. Бородычев В.В., Лытов М.Н., Головинов Е.Э. Мониторинг и управление орошением в режиме реального времени // Журнала «Механизация и электрификация сельского хозяйства». - М., 2017. - С. 154.
-